
АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ БОШ РЕЖАЛАРИ – ЖАМОАТ МУҲОКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 - 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119-сон Фармонида, Аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланиши белгиланган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Фарғона вилояти Қурилиш бош бошқармаси томонидан давлат шаҳарсозлик кадастри маълумотлари очиқлигини таъминлаш, ишлаб чиқилиб ўрнатилган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларини онлайн кўриш имконини берувчи тизим ишга туширилган.

Бугунги кунда бошқарма расмий веб-сайтига вилоятимиздаги 15 та аҳоли пунктининг Бош режалари киритилган бўлиб, фуқароларимиз, тадбиркорлар бевосита веб-сайтга кирган ҳолда ушбу шаҳарсозлик ҳужжатлари билан эркин танишиши мумкин.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-04-09 12:27:51